Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 24-aprel. Payshanba ● 49 (31.796) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ

**Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида шу ҳақда маълум қилинган.**

Маърузада таъкидланишича, ҳуқуқ устуворлиги жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди, дунёнинг барча мамлакатлари ҳукуматларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашади ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни оширади.

Мазкур Индекс илк маротаба 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноёб тадқиқотдир.

Давлатларга баҳо беришда «Тартиб ва хавфсизлик» йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатидаги тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни кўриб чиққан, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини, мустақил ва холис судларнинг мавжудлигини, ҳуқуқ-тартибот органлари нечоғли самарали фаолият юритишини ва бошқа омилларни тадқиқ қилган.

Давлатларнинг ютуқлари, аввало, жиноятчиликка қарши курашиш, сиёсий зўравонлик, шу жумладан, терроризм, қуролли тўқнашувлар ва сиёсий тартибсизликлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва жиноий одил судлов тизимига нисбатан ишончнинг йўқотилиши оқибатида юзага келадиган зўравонликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш бўйича асосий тамойилга риоя қилинишининг самарадорлигига кўра баҳоланган.

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин Сингапурга берилган. Учинчи ўринни Ўзбекистон, Дания ва Гонконг эгаллаган. Ўзбекистондан кейинги ўринларда АҚШ, Бельгия, Норвегия, Эстония, Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлар қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, мазкур мустақил халқаро ташкилотнинг юқори баҳосига сазовор бўлган Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик мустақиллик йилларида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ва ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги энг долзарб масалаларни самарали ҳал этишга йўналтирилган тизимли, кенг кўламли ишлар натижасидир.

Бунда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири — қонун устуворлиги ташкил этади. Ушбу тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимояланишини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Натижада суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, адвокатура институти ролини кучайтириш таъминланди.

Жиноят ва жиноий-процессуал қонунчиликнинг либераллаштирилиши, инсонпарварлик тамойилининг кучайтирилиши бу борадаги энг муҳим йўналишни ташкил этди. «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши принципиал қадам бўлди.

*Давоми 2-бетда.*

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР





# Эришилган натижаларни мустаҳкамлаб,

### истиқболдаги катта мақсадлар сари интилиш керак

**ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмаларининг ўтган йилги фаолияти таҳлил этилди, навбатдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.**

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов ўз нутқида бугун ҳаёт сиёсий партиялар олдига қўяётган талаблардан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, электорат манфаатини янада самарали ҳимоялашда партия гуруҳлари фаоллигини кучайтириш, мафкуравий тарғибот ишлари, кадрлар масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 21 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 187 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда, — деди у. — Партия гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бандликни таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар доимий назоратга олинган.

► *Давоми 2-бетда.*

# Масъулият ва ташаббускорлик

### бор жойда амалий ишлар бўлади, партия дастурий мақсадлари изчил амалга ошади

**ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши пленуми бошланишидан анча олдин бордим. Мақсадим йиғилишдан аввал партия фаоллари билан суҳбатлашиш, фикрлашиш, ҳаётий таклифларини ёзиб олиш эди.**

— Партиянинг асосий таянчи бошланғич ташкилотлар экан, биз уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз, етакчиларининг манфаатдорлигини ошириб боришимиз лозим, деб ўйлайман. Шу боис сўзга чиқиб, «Энг фаол етакчи, энг ташаббускор бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил қилиш таклифини билдирмоқчиман. Бундай танлов илғор бошланғич ташкилотларнинг тажрибаларини оммалаштириш имкониятини янада кенгайтиради.

► *Давоми 2-бетда.*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**

**барча даражадаги депутатлик гуруҳларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг самарадорлигига эришиш учун курашади.**

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

## Қуйи бўғин фаоллиги

### сиёсий партиянинг таъсир кучи ошишига хизмат қилади

2

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

# Қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда **«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Яқинда фракция ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилганди. Қонун лойиҳасини партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг вазифалари белгилаб берилган эди.

Фракция йиғилишида ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган хулосалар муҳокама этилди.

Таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳаси қимматли қоғозлар бозорининг республика молия бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган.

— Қонун лойиҳасида республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишини таъминлаш, янги молиявий инструментларни жорий этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро тажрибаларни татбиқ этиш назарда тутилган, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова.** — Шунингдек, қонуннинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш, қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш, фонд бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштириш имконини беради. Бу эса мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

— Бундан ташқари, қонун лойиҳасида қимматли қоғозларнинг янги тури — инфратузилма облигацияларини чиқариш, қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асоси аниқлаштирилмоқда, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Содиқов.** — Шунингдек, унда қимматли қоғозларга доир битимларни электрон шаклда тузиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилаш, қимматли қоғозлар айланмасини рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бўйича битимлардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ўрнига давлат йиғимини жорий этиш, инвесторлар зарарларини қоплаш учун кафолат фондини яратиш, инвестиция фондлари фаолиятига чекловларни белгилаш ва бошқа масалаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланаётгани ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция муҳокамаси давомидаги қизғин савол-жавоблар қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган қатор масалаларни янада ойдинлаштириш имконини берди. Йиғилишда ушбу қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Уни партия дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан аниқ ва асосли таклифлар ишлаб чиқишни давом эттириш вазифалари белгилаб олинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



## «Ўзингдан қўймасин, халқим!..»

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Соғлом бола йили ғоялари

**партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамоҳанг. Шу боис унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоғимиз зарур.**



**www.uzbekistonovozi.uz**

# Навбатдаги босқич ғолиблари аниқланди

**«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2014»**

«ЁШ СИЁСАТЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОММАЛАШИБ, ИШТИРОКЧИЛАРИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ ҲАМ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА. БУНИНГ ТАСДИҒИ ТАНЛОВНИНГ НАМАНГАН ШАҲАР БОСҚИЧИ МИСОЛИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎРИНДИ. МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ЁШЛАР КЎРИК-ТАНЛОВДА ЎЗ СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Иштирокчилар сиёсий билимдон ва ташаббускор ёшлар эканини уларнинг пухта ижтимоий лойиҳалари, нотиқлик санъати ва сиёсий билимлари яққол исботлади.

Кўрик-танлов Низомига мувофиқ, бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган биринчи босқичда энг юқори натижага эришган иштирокчилар учта шарт бўйича беллашди.

НамДУ талабалари Дилшод Абдувосиев, Нодирбек Каримов, Наманган дизайн касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шоҳиста Жалилова, Наманган енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Хуршида Аҳмедова, НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Исроил Аълохўжаев, 26-Меҳрибонлик уйи ходими Муҳиддин Яқубжоновлар сиёсий билимдон ва ташаббускор ёшлар эканини уларнинг пухта ижтимоий лойиҳалари, нотиқлик санъати ва сиёсий билимлари яққол исботлади.

Якуний натижаларга кўра, Муҳиддин Якубжанов ва Хуршида Аҳмедовалар иккинчи, учинчи ўринларга лойиқ кўрилди. НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Исроил Аълохўжаев эса ғолиб деб топилиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Танлов иштирокчилари «Энг кучли тарғиботчи», «Энг самарали ижтимоий лойиҳа муаллифи», «Энг яхши нотиқ» каби номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

**Мўътабар ҚОЗИЕВА**

**ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг XI пленумида партия ташкилотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги гуруҳларининг электорат манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.**

*Унинг тафсилотлари газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида чоп этилади.*

Электоратимиз манфаати билан боғлиқ қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижросини мониторинг қилиш методларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг янада самарали усуллари устида ўйлаш керак

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Масалан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари фаолиятида қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилди, жиноий, маъмурий қонунчиликнинг янада либераллаштирилиши давом эттирилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди, тезкор-қидирув характеридаги тадбирларни амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг амалий ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинчлиги ва хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоялашни таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Халқаро экспертлар шуни алоҳида таъкидлаганки, юксак инсонпарварлик ғояси билан суғорилган мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширган. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги рейтингда муносиб ўрин эгаллагани мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг изчиллиги ва юксак самарадорлигининг яна бир ёрқин мисолидир.

Демократик қурилиш борасида мамлакатимиз тўплаган тажриба ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган давлат ва жамиятни изчиллик билан янгилашда фойдаланилаётган тадрижий ёндашув дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**ЎзА**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

# Қуйи бўғин фаоллиги

## сиёсий партиянинг таъсир кучи ошишига хизмат қилади

### ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

**Сиёсий партиянинг жамиятдаги таъсир кучи — бошланғич ташкилотлари фаолиятига бевосита боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда, айниқса, электорат муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топишда бошланғич ташкилотларга суянади.**

Тошкент шаҳрининг туманлари ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ЎзХДПнинг 1334 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти электорат манфаатини ҳимоялаш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қиладиган ташаббус ва таклифлар билан чиқмоқда. Ҳамза туманидаги 28-оилавий поликлиникада ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади.

— Шифохонамизда партиямизнинг 59 нафар аъзоси бор, — дейди **БПТ етакчиси Замира Қаюмова.** — Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, партиямиз ғоялари ижросига қаратилган қатор тадбирлар ташкил этаяпмиз. Ўтган йили ўндан ортиқ мавзуда сиёсий ўқувлар ўтказдик. Жорий йилда эса бу масалага янада катта эътибор бераяпмиз. Масалан, февраль ойида БПТ ташаббуси билан шифохонамизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий-тиббий маданиятини ошириш ойлиги уюштирилди. Ойлик доирасида Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича ўзимизга қарашли ҳудуддаги маҳаллаларда қатор тадбирлар ташкил этдик. Уларда бошланғич ташкилотимизнинг 38 нафар аъзоси фаол иштирок этди. Жумладан, 4 нафар вакилимиз репродуктив саломатлик, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар ўқишди, аҳоли томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди.

— Бугун мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар зиммамизга катта вазифаларни юкламоқда, — дейди **оилавий поликлиника бош шифокори, ЎзХДП аъзоси Гулбаҳор Маметова.** — Аввало, ҳар биримиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятимизни юксалтириб боришимиз керак. Поликлиникамиз бошланғич ташкилоти нафақат партия аъзолари, балки муассасамизнинг ҳар бир ходими учун фойдали тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Қувонарли жиҳати, мазкур тадбирларда поликлиникамиз жамоаси фаол иштирок этишга интилади. Бу, албатта, одамларимизда ислоҳотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзолар, тарафдорлар ва электорат вакилларининг ҳуқуқий билим ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат. Бу борада амалий иш олиб борган қуйи бўғин, шубҳасиз, партиянинг мустаҳкам таянчи бўла олади.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

# Эришилган натижаларни мустаҳкамлаб,

## истиқболдаги катта мақсадлар сари интилиш керак







Деҳқонобод туман партия кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштирокида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича ўтказилган семинар-тренингда илғор тажрибалар умумлаштирилди, камчиликлар таҳлил этилди. Бу ўз навбатида депутатлик бирлашмалари фаолиятини жонлантиришга самарали таъсир кўрсатди. Шунингдек, партия гуруҳлари ташаббуси билан Косон, Муборак, Чироқчи, Касби ҳамда Нишон туманларида иш ўринларини кўпайтириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш орқали янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва бошқа долзарб масалалар сессиялар муҳокамасига олиб кирилди. Бу борада Қарши шаҳар кенгаши тажрибаси ибратлидир.

Холис таҳлил этадиган бўлсак, 2013 йилда кўпгина ташаббуслар билан чиқилди, амалий ишлар қилинди. Шу билан бирга, олдимизда ечимини кутаётган муҳим вазифалар турибди. Электоратимиз манфаати билан боғлиқ қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижросини мониторинг қилиш методларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг янада самарали усуллари устида ўйлаш керак.

Шунингдек, вилоят партия ташкилоти етакчиси аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатлами манфаатини рўёбга чиқаришда депутатлик сўрови имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифа эканига эътибор қаратди. Бунда депутатлар юбораётган ҳар бир сўров орқали мансабдор шахслар партия гуруҳи йиғилиши, доимий комиссиялар мажлислари ҳамда сессияларда ҳисобот беришини ташкил этишга эришиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида хотин-қизлар, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида урғу берилган, — деди **вилоят кардиология маркази шифокори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси Шоира Сафарова.** — Хусусан, имконияти чекланган болалар учун Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Самарқанд ва Қарши филиалларини ташкил этиш белгиланган. Кам таъминланган хотин-қизларга маиший техник воситаларни бепул бериш, туғма нуқсонли болаларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш назарда тутилган. Агар чуқур мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, бу вазифалар партиямизнинг дастурий ғоялари ҳаётга татбиқ этилишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадларни амалга оширишдан биринчи навбатда бизнинг партиямиз электорати манфаатдордир. Демак, партиямиз фаоллари ва депутатлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборни кенг тарғиб қилиши, ажратилаётган маблағлар манзилли етиб боришини тизимли назорат қилиши талаб этилади.

**ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШИ, АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР МАНЗИЛЛИ ЕТИБ БОРИШИНИ ТИЗИМЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

— Аввало, соғлом бола соғлом оилада дунёга келади. Шунинг учун турмуш қуришдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти бўйича тарғибот ишларини кучайтириш керак, деб ўйлайман, — дейди **Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Лола Саодатова.** — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туғма ногиронлик ва ирсий касалликларнинг олдини олиш мавзусида Миришкор, Китоб, Косон, Шаҳрисабз ва бошқа туманлардаги 84 маҳаллада депутатларимиз иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилди. Тажрибадан маълумки, таъсирчан тарғибот беқиёс кучга эга. Шу боис тарғибот ишларини тизимли равишда ва ҳаётий мисоллар асосида олиб боришимиз керак.

— Пленумда бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятини кучайтириш ҳақида билдирилган фикрлар навбатдаги режаларимизни белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, — дейди **«Косондон» масъулияти чекланган жамиятидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Хушвақт Пирматов.** — Корхонамизда 295 нафар ишчи-ходим меҳнат қилса, уларнинг 154 нафари ЎзХДП аъзоларидир. Наврўз байрами арафасида 20 нафар йигит-қизга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Яқинда 116-Косон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулноза Эрназарова билан учрашув ўтказдик. Бу учрашув бошланғич ташкилотимиз аъзолари учун жуда қизиқарли ва фойдали бўлди. Ёшларимизда партия ишига, парламент фаолиятига қизиқиш ортгани уларнинг саволларидан сезилиб турди. Демак, бошланғич ташкилотларда партиямиз етакчилари, депутатлар билан учрашув ва жонли мулоқотларни тез-тез ташкил этишимиз муҳим аҳамиятга эга бўлар экан.

Пленумда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ яна қатор фикрлар ўртага ташланди. **2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига киритилган қўшимчаларни масъулият билан амалга ошириш масаласи юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари имкониятларидан унумли фойдаланиш масалалари ҳақида ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазоев, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш хусусида ЎзХДП Ғузор туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рўзи Холманова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.**

Пленумда кун тартибидаги барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

# Масъулият ва ташаббускорлик

## бор жойда амалий ишлар бўлади, партия дастурий мақсадлари изчил амалга ошади

Бу **ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси Лолагул Собирова**нинг фикрлари эди. Унинг сўзларини **ЎзХДП Зарафшон шаҳар Кенгаши раиси Баҳодир Қосимов** давом эттирди:

— Биз партия сафидаги ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Партия сафида билимли ва зукко ёшлар қанча кўп бўлса, ғояларимизни амалга оширишга шунчалик мустаҳкам замин яратилади. Бугун ёшлар билан ишлашга ҳам янгича муносабат керак. Замонавий технологиялар ёрдамида онлайн тарзда суҳбатлар, фикр алмашувлар уларга самаралироқ таъсир кўрсатади. Мен пленумда сўз сўраб, шу фикрларни айтмоқчиман...

Пленум бошланди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмалари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор ижтимоий масалалар, партия Ҳаракат дастурида 2014 йил учун мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш йўллари ҳақида фикр алмашилди.

**ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров** партиянинг ўтган йилги фаолиятини танқидий таҳлил этди ва навбатдаги энг муҳим вазифалар ҳақида сўз юритди.

— Жорий йилда фаолиятимизни мутлақо янгича асосда ташкил этишимиз талаб этилмоқда, — деди **вилоят партия кенгаши раиси.** — Партия дастурий мақсадларини бажариш бўйича ўтган йилда амалга оширган ишларимизни етарли дея олмаймиз. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаландик, деб ҳам хотиржамликка берилишимизга ҳаққимиз йўқ. Бугунги кун талаби электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишларимизни янги босқичга олиб чиқишни тақозо қилмоқда. Электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз мониторинг қилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаётий таклифларни илгари суриш кундалик вазифамиз ҳисобланмоғи керак.



**Партия сафида билимли ва зукко ёшлар қанча кўп бўлса, ғояларимизни амалга оширишга шунчалик мустаҳкам замин яратилади.**

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 14 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 109 нафар ЎзХДПдан сайланган депутат фаолият юритмоқда, — деди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Тошниёз Боймуродов.** — Кўриниб турибдики, бошқа сиёсий кучларга қараганда, биз катта имкониятга эгамиз. Ўтган йили халқ депутатлари Навоий ва Зарафшон шаҳри, Хатирчи туманидаги партия гуруҳларимиз ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатига бевосита қаратилган масалаларни сессиялар муҳокамасига киритишди. Жорий йилда фаолиятимиз самарасини янада ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳимизнинг туман партия кенгашлари билан ҳамкорлигини кучайтиришимиз лозим.

— Сиёсий партия фаолиятининг асосий йўналиши ўз дастурида белгиланган ғояларни амалга ошириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида электорати манфаатини янада самарали ҳимоя қилишдир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов.** — Кейинги йилларда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, вакиллик ҳокимияти, сиёсий партияларга берилаётган янги ваколатларнинг замирида сиёсий кучларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, масъулиятини кучайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш каби мақсадлар ётибди. Демак, бугунги куннинг ўзи партиямиз ва унинг барча даражадаги депутатларидан ўтган даврдаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилиш йўлида қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.





**Пленумда Лола Собирова ва Баҳодир Қосимов юқоридаги таклифларини ўртага ташлашди.** Шунингдек, **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Рўзимуҳаммад Хонназаров, Навбаҳор туманидаги 16-мактаб директори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Хайринисо Ёдгорова, «Фаол аёллар» қаноти Конимех туман бўлими етакчиси Муҳаррам Ўткилбаева, вилоят ахборот-кутубхона марказидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Жамила Бобомуродова** сўзга чиқиб, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик тузилмаларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленум якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

Бугун туманда 24 мингдан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Енгил машиналарнинг сони эса 12 мингга етиб қолган. Бу эса ҳар икки хонадоннинг бирида енгил машина бор дегани



# Фаровонлик ва ободлик манзараси

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Боғот тумани марказидан узоқроқ бир қишлоқдаги тўйдамиз. Даврадаги кексароқ киши элатдошимиз бўлмиш Шокир оққош бувани суриштириб қолди. Қачонлардир қурилиш ташкилотида бирга ишлашган экан.**

**— Пенсиясини олиб ётибдими?**

**— Ҳа, юрибдилар машина ҳайдаб, элнинг тўйтомошасида.**

**— Ҳалиям шу эски «Москвич»ини судраб юрибдими?**

**— Йўқ, яп-янги «Матиз» олганлар.**

**— Пенсиясигами ё бирор ўғли олиб бердими?**

**— Пенсиядаман, деб ётиб олгани йўқ. Деҳқончилик қилади — шоли экади. Боғи бор...**



Шу лаҳзада гап мавзуси машина тўғрисида кетди. Кимнинг қачон, қандай энг сўнгги русумдаги машина олгани, «ўзбек бойиса, уй қуради» қадим мақоли ёнига «ўзбек бойиса, машина олади» қўшилгани ҳақида роса гап бўлди. Суҳбатга кекса бир киши нуқта қўйди: «Ҳозир ҳар қадамда машина. Бу фаровонликнинг, тўқликнинг белгиси».

Юртбошимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида 2000 йилда ҳар 100 та оилага 20 та автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етганини таъкидлади.

Эсимда, кўпи билан қирқ хонадон яшайдиган қишлоғимизда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бор-йўғи учта «Москвич» енгил машинаси бўларди. Бу матоҳ «дефицит товар» сифатида райкўмнинг бюроси қарори билан ишлаб чиқариш илғорларига мукофот тарзида — ўз пулига бериларди. Иккинчи Жаҳон урушида Берлинга қадар борган, қирқ беш йил колхозда тракторчилик қилган отам енгил машина оламан, деб кимларга сарғаймаган...

Истиқлол туфайли ўзимизда турли русумдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланганига йигирма йилча бўлиб қолди. Энг замонавий русумдаги енгил машиналар нафақат ички бозорда сотилаяпти, балки хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Ўзбек машиналари дунё кезмоқда.

Ўзим яшаётган Хоразм вилоятининг Боғот туманини олиб кўрайлик. Бугун туманда 24 мингдан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Енгил машиналарнинг сони эса 12 мингга етиб қолган. Бу эса ҳар икки хонадоннинг бирида енгил машина бор дегани. Енгил машиналар харид қилиш бўйича туманда энг илғор бўлган қишлоқ билан қизиқдим. Деҳқонбозор қишлоғи дейишди. Аҳолиси салкам ўн саккиз минг нафар экан. Истиқлол йилларида аҳолига 886 гектар ер майдони қўшимча томорқа қилиб берилган. Ана шунинг саккиз юз гектарга яқини узумзор. Одамларининг миришкор боғбонлиги-ю тупроғининг мослигидан қишлоқда узум яхши ҳосил беради. Куз фасли бошланмасданоқ қишлоқ ҳудудини юк машиналари босиб кетади. Томорқаларда етиштирилган ширали узум нафақат юртимизнинг бошқа вилоятларига, балки яқин қўшни давлатларга ҳам етказиб берилади. Омадим чопмади, деган миришкор ҳам томорқасидан камида ўн миллион сўмдан зиёдроқ даромад қилиши мумкин. Ҳар йили юз-икки юз тонна узум етиштириб, бозорга чиқараётган боғдорчилик фермер хўжаликлари кам эмас.



Шомурод КАРРИЕВ олган суратлар.

**Омадим чопмади, деган миришкор ҳам қўшимча томорқасидан камида ўн миллион сўмдан зиёдроқ даромад қилиши мумкин.**

— Маҳалламиз ҳудудида 639 хонадон бор, — дейди «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Рўзметов. — Ҳар бир оилада иккитадан телевизор. Енгил машинами? 580 та. Ана, ўзингиз фоизини ҳисоблаб кўраверинг!

— Қишлоғимиз йил сайин чирой очмоқда, — деб гурунг беради қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Худоёр Бобониёзов. — Қишлоғимизда касб-ҳунар коллежи қурилди. Ёшлар бу ерда сабоқ олишмоқда. Бир мактаб тўла реконструкция қилинди, биттасида бу жараён бошлаб юборилди. Иккита қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Тўйхоналар, маҳалла гузарлари... Фуқароларимиз турмуш даражаси ошганини яна бир мисол тўла кўрсатади. Бизда замонавий уй-жойларни қуриш одатий ҳолга айланаяпти. Қишлоқда иккита қурилиш моллари дўкони ишлаб тургани қурилишларимиз кўламидан далолат. Қишлоқда бирор хонадон енгил машина харид қилмаган куннинг ўзи йўқ.

Оқсоқол тақдим қилган рақам: 3015 та хонадон ихтиёрида бугун 1895 та енгил машина бор. Бу эса фоизда — 63.

Қишлоқдан қайтишда «Ҳазорасп — Урганч» йўлида ўн беш дақиқача тўхтаб туришга мажбур бўлдик. Сабаби, юзтача «Дамас» русумли енгил машинани колонна тарзида вилоят марказига ҳайдаб боришаётган экан. Питнакдаги «Дамас» машиналари ишлаб чиқарадиган янги корхонанинг илк маҳсулотлари. Истиқлол туфайли энди вилоятнинг ўзида енгил машиналар чиқариш йўлга қўйилди. Бу яқин бир-икки йил ичида ҳар бир оилада енгил машина бўлиши одатий турмуш тарзига айланади, деганидир.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

### Сервис хизмати иш бошлади

***Яқинда Термиз шаҳрида «Termiz gaz eksport» масъулияти чекланган жамиятига қарашли станция фойдаланишга топширилди.***

Газ баллон ускуналари ўрнатилган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишга мўлжалланган масканда бир кунда 150 та автоуловга хизмат кўрсатилади. Шохобча иш бошлаши билан 20 кишининг бандлиги таъминланди, улардан 7 нафари коллеж битирувчиларидир. Жорий йил охирига қадар шу каби шохобчаларни вилоятнинг Денов ва Шеробод туманларида ҳам қуриш кўзда тутилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

**«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган хизматлар ва уларни кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланиши

*аҳоли фаровонлигига хизмат қилади*

Бугунги кунда компания тизимида 14 та йирик саноат корхонаси, илмий-тадқиқот ва лойиҳалар институтлари, ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятлари, туман ва туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиаллари, транспорт ва биржа хизматлари кўрсатадиган «Кимётранс», «Кимётранслогистик» ва «Ҳамкор кимёсервис» каби ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларда 42 минг нафардан зиёд малакали ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Компания тизимидаги «Навоийазот» ОАЖ, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ ва «Фарғонаазот» ОАЖ кимё корхоналарида йилига 950,0 минг тоннадан ортиқроқ азотли ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда. «Аммофос-Максам», «Қўқон суперфосфат заводи», «Самарқандкимё» ҳамда «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхонасида ишлаб чиқарилаётган азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар нафақат республикамиз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг эҳтиёжини тўлиқ қоплаяпти, қолаверса, чет эл давлатларига ҳам экспорт қилинаётир.

Бугунги кунда компания таркибидаги корхоналарда 100 дан зиёд, жумладан, кальцийлаштирилган сода, полиэтилен плёнка, пластмасса маҳсулотлари, парфюмерия ва гигиеник маҳсулотлар, синтетик толалар ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Компания томонидан минерал ўғитларни қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида етказиб бериш тизими такомиллаштирилди ва тармоғи кенгайтирилди. Жумладан, туман ва туманлараро филиаллар қошида фермер хўжаликларига минерал ўғитлар тарқатувчи 936 та шохобча ташкил этилди. Натижада жойларда минерал ўғит сақлаш сиғими икки баробарга ошди. Бугунги кунда у 2 миллион тоннани ташкил этмоқда. Бу қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларини ўз вақтида узлуксиз етказиб бериш имкониятини яратди.

Бундан ташқари, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари томонидан уларга қўшимча агрокимёвий хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Агрокимёвий хизматлар кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш мақсадида замонавий ҳамда юқори унумли техника воситалари сотиб олинмоқда.

Хусусан, ўтган йили 9 миллиард 761 миллион сўмлик, шу йилнинг январь-март ойлари давомида эса 659 миллион сўмлик техника воситалари харид қилинди.

> Бугунги кунда ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларида 5 минг 900 дан ортиқ техника воситалари хизмат кўрсатаяпти.

Компания ва унинг таркибидаги корхоналар томонидан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларни асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, компания тизимидаги ташкилотларда ўтган давр мобайнида қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик хўжаликлари ташкил этилди.

Бу йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири сифатида «Навоийазот» ОАЖ корхонаси томонидан Нурота туманида 40 минг бош парранда боқишга мўлжалланган комплекс ҳамда 100 гектар интенсив боғ ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Матбуот анжумани давомида компаниянинг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




# Монреал протоколи



### самара бера бошлади

Массачусетс технология институти олимлари аэростат ва сунъий йўлдошлар ёрдамида олинган манбаларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келдиларки, кейинги йилларда Арктика ва Антарктида осмонидаги озон қатлами туйнуги кенгайиши тўхтаган. Ҳатто 2011 йили юз берган ўта совуқ об-ҳаво ҳам бунга таъсир кўрсатмаган (об-ҳавонинг ўта совиб кетиши озон қатламини емиради).

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, Шимолий қутб стратосферасида азот кислотаси концентрацияси камайганлиги тасдиқланди.

«PNAS» журналида чоп этилган тадқиқот-мақолада таъкидланишича, бир неча йиллар аввал халқаро ҳамжамият томонидан Монреал протоколининг қабул қилинганлиги ва ижрога қаратилганлиги ниҳоят ўз самарасини кўрсата бошлади.

Эслатиб ўтамиз: озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенциясининг Монреал протоколи 1987 йил сентябрда БМТга аъзо барча давлатлар томонидан имзоланган. Мазкур конвенция ва протокол озонни муҳофаза қилиш бўйича биринчи глобал келишув сифатида тарихда қолди. У барча давлатлар зиммасига атмосферани ифлослантирувчи заҳарли кимёвий моддалар ҳавога чиқарилишини қисқартириш мажбуриятини юклайди.

# Қониқиб ухламаслик



### мияни қаритади

Калифорниянинг Пасифик тиббиёт маркази қошидаги тадқиқот институти доктори Терри Блэквелл етакчилигидаги экспертлар гуруҳи уйқу ва уйқусизликнинг мияга қай даражада таъсир кўрсатишини ўргандилар.

Улар ўртача 76 ёшдаги 2820 кишининг уйқу жараёнини бир неча кун давомида кузатди. Шундан сўнг фикрлаш, йўл қўйган хатосини тўғрилаш, қарор қабул қилиш қобилиятини текшириш учун тест синовини ўтказди.

Тест натижаларидан сўнг олимлар шундай хулосага келдиларки, қаттиқ ва тинч уйқу соғлом турмуш тарзининг муҳим омили экан. 3-4 йил давомида уйқу бузилишининг кузатилиши хотирани сусайтириш билан бирга мияни 5 йилга қаритиб юбораркан.

Уйқу меъёрининг бузилиши ёки уйқусизлик мия учун зарарли. Негаки, одам мияси айнан тинч ва осуда уйқу пайтида токсик бирикмалардан тозаланади. Уйқусизлик эса бу бирикмаларнинг кўпайишига хизмат қилади.

# Ҳароратнинг кўтарилиши

### ҳосилдорликни оширади

Иқлимшунос олимлар тадқиқот йўналишларини иқлим ўзгаришлари шароитида қандай оқибатлар юзага келиши-ю, қандай ютуқли омиллар пайдо бўлишини ўрганишга қаратмоқдалар.

Шундай тадқиқотчилар гуруҳининг хулосалари «Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида чоп қилинди. Унда қайд этилишича, 2050 йилга бориб сайёрамиз ҳароратининг ўртача 1,8 даражага кўтарилиши Ўртаер денгизи ҳудудларида зайтун дарахтлари ҳосилдорлиги ортишини юзага келтиради.

Гап шундаки, зайтуннинг ашаддий зараркунандаси «мой пашша»дир. У ҳали пишиб етилмаган зайтун меваси ичига тухум қўяди ва бир мавсумнинг ўзида 4-6 марта кўпаяди. Бу эса ҳосилдорликка қирон келтиради. Шу боис ҳам ҳозирги замонда турли ҳашоратларга қарши бир неча марта дорилаш жараёнлари ўтказилади.

Агар иқлим ўзгаришлари шароитида ҳарорат кўтарилса, «мой пашша» уруғлари ривожлана олмайди ва қарабсизки, улар табиий равишда қирилиб, зайтун ҳосилдорлиги 41 фоизга ортиши кузатилади.

РЕКЛАМА

# «Buxoro Global Realtor» МЧЖ

***Бухоро вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади***

***Танловга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли ва Бухоро вилоят, Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 3 мартдаги 185-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:***

1. Ғишт ишлаб чиқариш цехи биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Самончук ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 та, 0,80 га ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 306 720 сўм.
2. Пахта тараш цехи биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Навработ ҚФЙ, Чоргули аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 1 та, 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 668 сўм.
3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Навработ ҚФЙ, Чоргули аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 1 та, 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 668 сўм.
4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарча, Халқобод кўчаси ҳудудида жойлашган 1 та, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 63 238 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва 2014 йил 23 май соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 26 май соат 11:00 да очилади, 2014 йил 26 май соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб, деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 26 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2014 йил 3 июнь соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 2 июнь соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 3 июнь соат 11:00 да очилади, 2014 йил 3 июнь куни соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ***ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали, ҳ/р: 2020 8000 6002 5160 7001, МФО 00116, СТИР 302 668 377 ҳ/р***.га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

***Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:***

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

***Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:***
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
***Тел.:*** (+99893) 960-69-00, ***факс:*** (8365) 221-54-43. ***E-mail:*** www.bgr.gl.uz.
***Лицензия RL 0171.***

# «Ўзингдан қуймасин, халқим!..»






Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

**Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва унинг нашрлари «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган хотира тадбири ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашининг раҳбарлари, фаоллари ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетлари талабалари, профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

— Муҳаммад Юсуф эл дарди билан яшаган, ўз халқининг эркини, бахтини куйлаган шоир эди, — деди **ЎзХДП раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Муҳаммад Юсуф тили билан дили бир бўлган шоир сифатида қалбимиздан жой олган. Унинг шеърлари асосида яратилган қўшиқларни халқимиз севиб тинглайди. Ёшларимиз унинг шеърларини ўқиб, адабиётга меҳр қўймоқда. Фарзандларимизни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда унинг шеърлари бебаҳо аҳамиятга эга.

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф газетамизда Мустақилликнинг дастлабки йиллари, аниқроғи 1992-93 йилларда ишлаган, — дейди **«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов.** — Унинг ижодида Ватан, Миллат мавзулари етакчи ўрин тутади. Газетамизнинг 1992 йил 6 ноябрь сонида эълон қилинган «Нотинч руҳ» шеъри миллат шаънини учун қайғурган шоирнинг қалб нидоси эди. Ўша йил 27 ноябрда эса унинг туркум шеърлари чоп этилган. «Онамга», «Эрка кийик», «Андижон», «Амир Темур» каби шеърлари жамоатчилик томонидан катта эътирофга сазовор бўлган. Муҳаммад Юсуф шоир деган улуғ унвонга муносиб шоир эди. Унинг шеърлари ўзидай содда, самимий эди...

— Мен Муҳаммад Юсуфдек шоир билан «Ўзбекистон овози»да бирга ишлаганимдан фахрланаман — дейди **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси Миршароф Муҳсинов.** — У чиндан ҳам очиқ кўнгил, самимий, дилида гарди йўқ инсон эди. Унинг бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Бу қутлуғ даргоҳда ишлашни ҳар бир ижодкор орзу қилади. Менга шундай бахт кулиб боққанидан хурсандман».

У «Ўзбекистон овози»да ишлаётганидан ғурурланарди. Мен эса юртга анча танилиб қолган, катта истеъдод эгаси экани тобора ёрқинроқ намоён бўлиб бораётган шоир билан бир хонада ишлаётганимдан фахрланардим. Жойларда ўтказиладиган «газета кунлари»да у завқ билан, ёниб-тошиб, Ватан ҳақидаги шеърларини ёддан айтар эди. Айниқса, ёш ижодкорларга ҳеч оғринмай қимматли маслаҳатлар берарди.

Ҳар гал қадрдон даргоҳим — «Ўзбекистон овози»га кириб борганимда, энг аввало, ўша хона, ҳа, ўша табаррук хона кўзимга иссиқ кўринади. Бир лаҳза тўхтайман, қани энди, мўъжиза рўй берса-ю, Муҳаммаджон ичкаридан чиқиб келса!..

— Мана, Мустақиллигимизнинг ўтган 23 йили давомида муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида мустаҳкам давлатга, қудратли бир халққа айландик. Бугун одамларимиз чеҳрасида нур бор, табассум бор. Қалбимизда шукроналик дарёси оқяпти. Бугун «Халқ бўл, элим», дея ёнган ватанпарвар шоиримиз хотирасини ҳаёжон ила, фахр-ифтихор ила ёдга олиб турибмиз, — дейди **Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир.** — Муҳаммаджон билан боғлиқ воқеаларни бот-бот тилга оламиз ва унинг ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Бир гал Паркентга — уйимизга келганида у менга «Онангизнинг кўзида дарё оқяпти, кўзларида Ватанни кўряпман, ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин» деган эди. Одатда, қаламкаш ҳақидаги энг ҳақ гапни унинг асарлари айтади. Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг бир қарашда содда мисраларини мутолаа қиларкансиз, юрагида дарди бор, юртдошларига, халқига «ахир сиз яхши яшашга муносибсиз, бунинг учун бир-бирингизни суйсангиз, ҳеч бўлмаса бир-бирингизга меҳр қўйсангиз, бир-бирингизни бироз бўлса-да бошга кўтарсангиз бас» деган изтиробли мушоҳадаларини фавқулодда оҳангдор, қуйма мисралар қатига жойлаб юбораётган куюнчак, фидойи ижодкор қиёфаси кўз олдингизда намоён бўлади.

Мен ўзимни Муҳаммад Юсуфдан ҳамиша қарздор ҳис қиламан. Унинг меҳридан кўп бора баҳраманд бўлганман. Муҳаммаджонни ҳар ёдга олганимда «Қандай кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?» деган изтиробли саволлар юрагимга тиғдек санчилади...

— Акамнинг ўрни ҳар дақиқа, ҳар сонияда билиниб туради, — дейди шоирнинг синглиси **Муҳаббат Сатторова.** — У киши жигарлари учун доимо жон куйдирар эди. Президентимизга раҳмат, акам таваллудининг 60 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Биз бутун оиламиз номидан Юртбошимизга миннатдорлик билдирамиз.

Бугунга қадар кўплаб тадбирларда қатнашдим. Акамнинг устозлари, қадрдонлари, шогирдларининг сўзларини эшитиб, кўнглим таскин топгандек бўлади. Бугунги тадбирда айтилган самимий гаплардан ҳам жуда ҳаяжонландим...



«АХИР СИЗ ЯХШИ ЯШАШГА МУНОСИБСИЗ, БУНИНГ УЧУН БИР-БИРИНГИЗНИ СУЙСАНГИЗ, ҲЕЧ БЎЛМАСА БИР-БИРИНГИЗГА МЕҲР ҚЎЙСАНГИЗ, БИР-БИРИНГИЗНИ БИРОЗ БЎЛСА-ДА БОШГА КЎТАРСАНГИЗ БАС»

— Устоз Муҳаммад Юсуф чин маънода эл дарди билан ёнган, бахт-саодати учун куйинган шоир эди, — дейди **Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Гулҳаё Маърупова.** — Бугунги тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг нашри «Ўзбекистон овози» газетаси томонидан ўтказилиши бежиз эмас. Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида кўпроқ халқ манфаати, оддий одамларнинг кўнгли, инсоний фазилатлар ўз ифодасини топган. Бугун устознинг суҳбатлари армонга айланган бўлсада, унинг юксак ижод намуналари биз учун катта мактаб, ибрат вазифасини ўтайди...

Тадбир сўнгида шеърхонлик бошланди. Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган шеърлар айтилди, талабалар шоир шеърларини ёддан ўқишди: «Ўзинг менинг улуғлардан Улуғимсан, Ватаним!..», «Ўзингдан қуймасин, халқим!..»

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ТАДБИР

# Тасвирий санъат фестивали

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий Академиясида қатор ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда анъанавий тасвирий санъат фестивали ўз фаолиятини бошлади.**

Унда моҳир мусаввир ва ҳунармандлар, қўлигул усталар, санъатшунос олимлар, талаба-ёшлар ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган тадбирдан кўзланган мақсад миллий санъатимизнинг бой мероси, бугунги салоҳиятини намойиш этиш, энг асосийси ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчиликка танитишдир.



Фестиваль доирасида моҳир санъат усталарининг кўргазмалари, коллеж ўқувчилари яратган асарлар, маҳорат дарслари ва концерт дастури бўлиб ўтади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар рассомларининг асарлари, академик Шариф Азимовнинг шахсий кўргазмаси, озарбойжонлик меҳмон — ҳайкалтарош-рассом Ҳусейн Ахвердиевнинг шахсий кўргазмаси, «Санъат» журналининг тақдимоти шулар жумласидандир.

— Бу фестивалда илк маротаба иштирок этяпман, — дейди Республика рассомчилик коллежи 1-босқич ўқувчиси Шаҳзод Ўроқов. — Тадбир очилиши жуда чиройли ўтди. Мен ўзимнинг манзара йўналишидаги этюдим билан қатнашаяпман. Фестиваль давомида тенгдошларим билан фикр алмашдик. Устозлар маслаҳатини тингладик. Ишонаманки, бу тадбир бизнинг ижодий фаолиятимизда муҳим ўрин тутади.

Тадбир беш кун давомида марказий кўргазмалар зали ва унинг атрофидаги хиёбонда давом этади.

**Умида МУХТОРБЕКОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

---



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

# «Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни»

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат техника университети, «Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази томонидан «Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни» мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда 700 дан зиёд талаба ўз устозлари раҳбарлигида олиб бораётган илмий изланишлари, техник лойиҳалари ва ишланмалари бўйича маърузалар қилди.

Тадбир доирасида **«Энг яхши инновацион ғоя», «Энг яхши маъруза»** ва **«Саноат дизайни бўйича энг яхши лойиҳа»** номинациялари бўйича танловлар бўлиб ўтди.

— Бугунги анжуманга ўзимнинг **«Микропроцессорли чанг ўлчагич»** қурилмам билан қатнашаяпман, — дейди **Тошкент давлат техника университети Электроника ва автоматика факультети магистранти Жамшид Холиқулов.** — Бу қурилма ўз ғоям ва устозларимнинг кўмагида яратилди. У ҳозирда ишлаб чиқилаётган маҳсулотларимизнинг экологик тоза бўлишида ва металл билан ишловчи корхоналарда асқотади.

Анжуманда қатнашаётган иқтидорли ёшларнинг маърузалари «Texnika yulduzlari» илмий журналининг махсус сонларида ҳамда анжуманнинг илмий мақолалар тўпламида нашр этилиши режалаштирилди.

Илмий йиғилишда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент темир йўллари муҳандислик иқтисодиёт институти, Жиззах политехника институти, Гулистон давлат университети, Фарғона политехника институти, Самарқанд давлат университети ва Қорақалпоқ давлат университети талабалари ҳам ўз илмий мақолалари билан иштирок этдилар.

Йиғилишда фаол қатнашган иқтидорли талабалар 2014 йилнинг 24-26 апрель кунлари бўлиб ўтадиган «VII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси»да иштирок этади.

**Саидбобур МАКСУМОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

---

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

РЕКЛАМА

# Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

***қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:***

*Лот 1-1.* Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги 27-сон мактабни 12х24 м ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши билан реконструкция қилиш.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 463,521 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 368,267 млн. сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

*Лот 1-2.* Ангор туманидаги «Қишлоқ хўжалиги ва транспорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш (12х24 м ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши билан).

*Объектнинг бошланғич нархи:* ҚҚС билан бирга — 495,988 млн. сўм, ҚҚСсиз — 413,323 млн. сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

*Лот 1-3.* Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги туман Тиббиёт бирлашмаси қошида кир ювиш жойи қурилиши.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 560,136 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 466,780 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

*Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш* — Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Лот 3-1.* Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги «Маданият ва дам олиш маркази» биносини мукаммал таъмирлаш.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 420,616 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 350,513 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

*Лот 3-2.* Сурхондарё вилояти, Узун тумани, «Ўзбекистон» кўчасидаги «Маданият уйи» биносини мукаммал таъмирлаш.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 342,076 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 285,063 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

*Лот 3-3.* Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Маданият ва дам олиш маркази» биносини мукаммал таъмирлаш.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 683,931 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 569,942 млн.сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

*Лот 3-4.* Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги 100 ўринли «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш.

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 639,733 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 533,110 млн. сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

*Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш* — Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Буюртмачи:* Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

*Манзили:* Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

*Тел/факс:* (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукаммал таъмирланадиган ҳамда янгидан қуриш объектларининг қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Янгидан қуриш объектларининг қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектларнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврахитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

***Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 70 000 сўмдан 100 000 сўмгача.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда*** ўтказилади.

---

## ОБ-ҲАВО 24-25 — 04. 2014

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| Ҳудуд | Тун | Кун |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +7 / +12 | +18 / +23 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +9 / +14 | +23 / +28 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +9 / +14 | +23 / +28 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +12 / +17 | +25 / +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +9 / +14 | +25 / +30 |
| Тошкент шаҳри | +11 / +13 | +28 / +30 |

**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +18 / +17 |
| Париж | +20 / +20 |
| Москва | +8 / +14 |
| Мадрид | +17 / +17 |
| Пекин | +28 / +24 |
| Канберра | +19 / +18 |
| Рим | +24 / +23 |
| Афина | +23 / +23 |
| Токио | +21 / +22 |
| Стокгольм | +13 / +15 |
| Кейптаун | +21 / +22 |
| Қоҳира | +37 / +32 |
| Гавана | +30 / +34 |
| Вашингтон | +19 / +23 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460
19546 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 00.30
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bobur ELMURODOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5